«Пахта - 2000»: замонавий газламалар

Тошкент тўқимачилик акционерлик жамияти соҳани техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўлидан бормоқда. Бўёқлаш ва пардозлаш борасида ҳам янгиликлар яратилаётир. Мазкур корхона Швейцариянинг «Сиба» фирмаси билан ҳамкорликда «Пахтадан замонавий тайёр газламалар» лойиҳасини тузди.

Кеча Тошкент тўқимачилик акционерлик жамиятида ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тақдимот маросими бўлди. Унда таниқли модельер Абдукарим Ашурбоевнинг янги замонавий газламалардан яратган кийим-кечаклари намойиш этилди. Ўзбекистон енгил саноат уюшмасининг Модалар уйи йигит-қизлари томонидан намойиш этилган либослар йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу газламалардан тайёрланган маҳсулотлар беш-олти марта ювилса ҳам охори тўкилмайди. «Сиба»нинг бўёқлари ва кимёвий воситалари экологик жиҳатдан умуман зарарсиздир.

Ушбу лойиҳа Тошкент тўқимачилик акционерлик жамиятига янги ютуқларга илҳомлантиради ва ўз маҳсулотини хорижга кўпроқ экспорт қилиш имконини беради.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ

Аллома юбилейи

Таниқли адабиётшунос олим, моҳир таржимон, «Жаҳон адабиёти» журнали Бош муҳаррири Озод Шарафиддинов 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Ҳамза номидаги Давлат академик театрида олимнинг ёру дўстлари, фан ва маданият арбоблари, шоиру ёзувчилар, толиблар иштирокида катта кеча бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев давлатимиз раҳбарининг О.Шарафиддиновни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди. Таниқли олим ўзбек маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, маънавий-маърифий ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки, фидойилиги, янгича тафаккурни шакллантириш ҳамда халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш йўлидаги самарали хизматлари учун Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов олимга юксак мукофотни тантанали равишда топширди.

Дарҳақиқат, олим ўзининг илк асари — «Замон, қалб, поэзия» китоби биланоқ тилга тушди. Сўнгра «Адабий этюдлар», «Истеъдод жилолари», «Биринчи мўъжиза», «Адабиёт — ҳаёт дарслиги», «Ҳаёт билан ҳамнафас», «Абдулла Қаҳҳор», «Чўлпон» каби ўнлаб адабий-танқидий асарлари билан ўзбек шеърияти ва насрининг тараққиёт йўлларини, адабиётимизнинг ёрқин юлдузлари ижодини чуқур таҳлил қилиб берди, бадиий адабиётга нисбатан кенг омманинг қизиқишини уйғотди, китобхонларни фикрлашга, маърифатга ундади. У таржимон сифатида ҳам жаҳон адабиётининг ўнлаб дурдона асарларини ўзбек тилига ўгирди. ТошДУ профессори сифатида кўплаб шогирдларга устозлик қилди.

Олимнинг ҳалол хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлган.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 15 апрелда ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов бошқарди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошев биринчи ўқишда «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу масалани муҳокама қилишда Урганч Давлат университети ректори А. Саъдуллаев, Тошкент шаҳридаги «Интер-Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси К. Йўлдошев, Қашқадарё вилоятидаги очиқ турдаги «Нефтгазсинов» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Абдуназаров, Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамияти раиси Т. Сатторов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг бозор муносабатларини ривожлантириш учун муҳимлигини, ҳужжат устида ишлашни давом эттириш зарурлигини таъкидлади. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарик депутатларга «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси Н. Эрметов депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди. Парламент бу қонунни ҳам қабул қилди.

Олий Мажлис «Архивлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Бу ҳақда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров сессия иштирокчиларига ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида чет эллардаги омборларда сақланаётган ва миллий бойлигимиз бўлган кўп сонли архив материалларини Ўзбекистонга қайтариш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида катта давлат аҳамиятига эга бўлган бундай масалалар билан шуғулланувчи махсус комиссия тузишни таклиф қилди. Депутатлар «Архивлар тўғрисида»ги қонунни маъқулладилар.

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Жўраев «Ўрмон тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда халқ вакиллари эътиборига ҳавола қилди. Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳокими М. Эсонов, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Оқ олтин» қишлоқ хўжалик кооперативи раиси О. Ҳалимбетов сўзга чиққандан сўнг парламент «Ўрмон тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритдилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йил биринчи чорагидаги ижроси ҳақида молия вазири Р. Азимов ахборотини ҳамда парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадовнинг қўшимча маърузасини тингладилар.

Олий Мажлис Жиззах вилояти таркибида Янгиобод маъмурий-ҳудудий туманини тузди, парламент ва унинг раҳбариятининг 1998 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлади.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова ўзининг ўтган йилги фаолияти ҳақида ҳисоб берди. Сессияда Олий суд ва Олий хўжалик судининг айрим судялари сайланди, қонунчиликда Олий Мажлис ваколатига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини тугатди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 17 апрель, шанба • № 47 (24.442).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Янги аср орзуси

Бугун бизнинг Ватанимизда истиқлол чечаклари худди шафтоли гулларидек, ширин, гўзал рангга кирди.

Бугун маънавий оламимиз ўзининг кўҳна булоқларидан, миллий қадриятларимиздан баҳра олмоқда.

Бугун Ватан озодлиги, миллат учун энг муқаддас туйғу бўлиб қолди.

Бугун юрт фарзандларига, юртбошининг буюк муҳаббати қанот бўлмоқда.

Ёшлар ўртасидаги меҳр, оқибат, ишонч тамойилларининг аср сўнггида энг юксак чўққиларга тенглашиши, бу XXI асрнинг янада гўзал бўлиши ва ишончли қўлларда эканлигининг белгисидир. Улар Ўзбекистонни дунё саҳнига олиб чиқмоқдалар.

Юртбоши ёшларга таянади. Президент бугун — XXI асрга ўтиш олдидан ҳам ўз атрофида ёшларимиз бўлишини истайди. XXI асрнинг илк қадамлари, илк интилишлари ҳам, мана шу фикрларга йўғрилган.

Президент Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам катта эътиборни ёшларимизга қаратгани фикримизнинг ёрқин далилидир: «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур».

Президентнинг ёшлардан умиди катта, у XXI асрга интилаётган, келажаги буюк ватанимиз қудратини, дунё олдидаги ўрнини ёшларимиз белгилашига ишонади. Бирон йиғин йўқки, Президент ёшларимиз ҳақида гапирмаса. У баркамол авлодни орзу қилади. У янги аср бўсағасида ёшларимиз салоҳиятли, доно, билимли бўлишларини истайди.

Бугун юртбоши нигоҳлари Ватанга жон фидо қиладиган, унга қалқон, унинг мустабид тузум етказган жароҳатларига малҳам бўладиган ёшларга қаратилган. Бу эса XXI асрнинг нақадар соф юраклар қўлида бўлишидан дарак беради.

Тенгдошим! XXI асрга интилаётган Ўзбекистон ёшлари! Президент ишончига, унинг оталарча муҳаббатига, Сен, Мен, Биз нима билан жавоб берамиз?!

Истиқлолга бўлган садоқатимиз, она-Ватанга бўлган муҳаббатимиз, юртбошимизга бўлган юксак ишонч ва эҳтиромимиз, маънавиятимиз ва изланишларимиз билан жавоб берамиз.

XXI аср ўйлари... Ватан, Озодлик, ёшлик ва бу туйғуларнинг асл ижодкори юртбошимиз. Бугун Президент томонидан ёшларга қаратилган эътибор, ишонч давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистонимиз ёшлик покизалигини, Ватанга муҳаббатни олиб XXI асрга интилмоқда.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

16 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисидаги масалага бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшма, идора ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазири Ўткир Султонов бошқарди. У мажлисни очар экан, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида мамлакатимиз ва халқимиз олдида турган долзарб вазифалар белгилаб берилгани, унда баён этилган қоида ва хулосалар бугунги кун ва янги асрда биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилажагини таъкидлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қишлоқ хўжалиги, саноат, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида макроиқтисодий барқарорликка эришилди.

Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов кун тартибидаги масала юзасидан ахборот берди.

Мажлисда ўтган даврда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланганлиги таъкидланди. Саноатда 4,7 фоиз, қишлоқ хўжалигида 5,5 фоиз, чакана товар айланишида 12,9 фоиз, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш соҳасида 9,5 фоиз ўсишга эришилди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 102,9 фоизни ташкил этди. Пулнинг инфляция даражаси январда 4,5 фоизга тенг бўлган бўлса, мартга келиб 2,4 фоизга тушди. Аҳолининг пул даромадлари ҳам ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич аҳоли жон бошига 11 минг 605 сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 марта кўпдир.

Давлатимиз раҳбари 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилди. Республика Вазирлар Маҳкамаси бу борада давлат Дастурини ишлаб чиқди. Шу боис ижро этувчи ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятида аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш давлат ва нодавлат ташкилотларининг доимий эътиборида турибди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эҳтиёжманд 120,8 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар ҳамда ҳукуматнинг бошқа дастур ва қарорларининг изчил амалга оширилиши ҳам ижтимоий шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга қатор соҳаларда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Йирик инвестиция лойиҳалари қониқарсиз амалга оширилмоқда. Экспорт ва валюта тушуми бўйича прогнозлар тўлиқ бажарилмаяпти. Бу вазифа биринчи чорақда қўшма корхоналар томонидан ҳам уддаланмади. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар етарли самара бермади. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвесторлар иштирокида белгиланган дастурларни амалга ошириш соҳасида ҳам муаммолар мавжуд.

Биринчи чоракда мамлакат бўйича 101 мингта янги иш жойи ташкил этилди. Лекин унинг 22 фоизигина ишлаб чиқаришга алоқадор эканлиги ачинарли ҳолдир. Бу борадаги аҳвол Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд вилоятларида жиддийлигича қолмоқда.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ечимини кутаётган энг муҳим муаммолардан бўлиб турибди. Йилнинг биринчи чорагида бу борадаги режа бор-йўғи 7,2 фоиз бажарилган, холос. Навоий, Тошкент, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 0,2-4 фоизни ташкил этади. Сирдарё вилоятида эса аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш бўйича деярли ҳеч бир иш амалга оширилмаган.

Айни пайтда қатор корхоналар зарар кўриб ишламоқда. Айрим тармоқ корхоналари маҳсулоти эса ўз харидорини топа олмаяпти.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги контрактация шартномалари номигагина тузилмоқда. Ўтган йили соҳада маҳсулот экспорт қилиш 12,8 фоиз кўпайди. Лекин ўсиш фақат тола сотиш ҳисобига бўлмоқда.

Бу йил баҳор деҳқончилик учун қулай келди. Шунга қарамай айрим вилоятларда чигит, бошоқли дон экиш ишлари суст олиб бориляпти. Шу йилнинг 20 апрелигача барча вилоятларда, биринчи майгача Қорақалпоғистон Республикасида чигит экишни тугаллаш зарур.

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б. Олимжонов, Бош вазир ўринбосари А. Исаев, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари М. Асқаров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А. Тожиев, Қашқадарё вилояти ҳокими Ш. Бегматов, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Т. Набиев ва бошқалар муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиқди.

Йиғилишда йилнинг биринчи чорагида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш бўйича ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарларига топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ғ.Барноев, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

Наманган вилояти Чуст туманидаги «Сабзавор» жамоа хўжалиги деҳқонларининг бу йил шашти баланд. Улар баҳорги экин-тикин ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Жумладан, 200 гектар ерда ғалла, 400 гектар ерда эса пахта етиштиришмоқчи. Шундан 200 гектар ерга плёнка остига чигит қадашган.

Суратда: (юқорида чапдан) ижарачи Анвар Қосимов, бригадир Фахриддин Парпиев, жамоа хўжалиги раиси ўринбосари Ҳабибулла Раҳматуллаев дала ишлари маромини кузатмоқда.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасида таклиф этилган ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий турмушини янада эркинлаштириш, Ўзбекистоннинг XXI аср бўсағаси ва янги аср бошларидаги ривожланиш истиқболлари дастури ва устувор йўналишларини, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир бўлган фожиали воқеаларни муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, етилган муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларига содиқлигини тасдиқласин. Ривожланишнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган ва халқ томонидан қўллаб-қувватланган, инсон ҳаёти халқ ва давлатнинг олий қадрияти даражасига кўтарилган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган стратегик йўлини ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

2. Жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий турмушини янада эркинлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти таклиф қилган асосий йўналишлари қонунчилик ва амалий ишларда асос қилиб олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, жойлардаги ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари:

сайловчилар билан алоқаларни мустаҳкамласинлар, улар билан учрашувларни мунтазам ўтказиб борсинлар, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган стратегик йўлини тушунтириб борсинлар;

сайловчиларнинг диққат-эътиборини демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳокимият учун курашнинг Конституцияга хилоф усулларига, диний экстремизм ва ақидапарастлик кўринишларига қарши туриш зарурлигига қаратсинлар;

ҳуқуқ-тартибот сақланишига, фуқаролик жамияти нормаларига риоя этилишига кўмаклашсинлар, ёшларда халқ ва Ватан олдидаги бурч туйғусини, ватанпарварлик ва юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш мақсадида улар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришга эътибор қаратсинлар.

4. Террорчилик, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишлари, ҳокимият учун курашнинг конституцияга хилоф, ғайридемократик усуллари, жамиятдаги барқарорликни издан чиқаришга, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни бузишга бўлган ҳаракатлар қоралансин.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари террорчилик, экстремизм ва диний ақидапарастлик кўринишларига, одамлар ҳаёти хавфсизлигига, мустақил Ўзбекистоннинг келажагига қарши қаратилган жиноий хатти-ҳаракатларга қарши курашни кучайтирсинлар.

6. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари демократия институтларини ривожлантиришга, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга даъват этилсин.

7. Оммавий ахборот воситалари мамлакат Президентининг маърузасидаги йўл-йўриқларни, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришини кенг ёритсин, ўз фаолиятини демократия ва ошкоралик руҳида янада такомиллаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 14 апрель

«Нодавлат дорихоналар ўзини оқлаяптими?»

Газетанинг 1999 йил 6 февраль сонида чоп этилган «Нодавлат дорихоналар ўзини оқлаяптими?» сарлавҳали мақола вилоят ҳокимлигида кўриб чиқилди.

Вилоятда жами 272 та, шундан 201 та нодавлат дорихоналар фаолият кўрсатаяпти. Ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 14 январь 19-сонли қарорини бажариш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги сифат-назорат комиссияси томонидан текширилган 51 та нодавлат дорихонадан 8 тасининг иши талабга жавоб бермаганлиги учун ҳужжатлари вазирликнинг лицензия комиссиясига юборилган, 13 тасига камчиликка йўл қўйгани учун жарима солинган. Текшириш якуни ва мақолада келтирилган далиллар барча дорихона раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилиниб, дори-дармон таъминотини яхшилаш, қоидабузарлик ҳолларининг олдини олиш бўйича тадбирлар белгиланди.

Ички ишлар органлари ва солиқ идораларига дорихонадан ташқари жойларда дори-дармон сотиш ҳолларини бартараф қилиш чораларини кўриш топширилди.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. РАҲИМОВ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Икки оёқли «каламуш»лар

Газетанинг 1999 йил 3 апрель сонида чоп этилган «Икки оёқли «каламуш»лар» сарлавҳа остидаги танқидий мақола «Жомбойдон» маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмаси йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Мақолада айтилган фикр-мулоҳазалар 1999 йил ғалла ўрим-йиғими мавсумида дон қабул қилиш омборларида, албатта инобатга олинади. Бу ҳақда муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, омбор мудирлари қайта аттестациядан ўтказилади ва ҳалол, пок виждонли мутахассислар тайинланади.

«Жомбойдон» маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раиси И. ТУРСУНОВ

«Мансаб манфаатга айланса...»

«Ўзбекистон овози»нинг 1999 йил 11 март сонидаги журналист Рўзимбой Ҳасаннинг «Мансаб манфаатга айланса...» мақоласи бўйича Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасида ходимлар томонидан хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш, милиция сафини нопок, таъмагир ходимлардан тозалаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигини маълум қиламиз. Жумладан, бошқарма тергов бўлими бошлиғи ўринбосари Ш. Худойберганов ва Урганч шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Б. Нуруллаевлар томонидан ҳайдовчи Р. Раҳмоновга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ноқонуний тўхтатганлиги факти ўзимизнинг ташаббус билан аниқланиб, улар устидан хизмат текшириуви ўтказилган ва милиция ходими шаънига доғ туширувчи ҳаракатлар содир қилганликлари учун ички ишлар идораларидан бўшатилиб, тўпланган ҳужжатлар прокуратура идораларига юборилган эди. Шу ҳолат бўйича вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, Ш. Худойберганов ва Б. Нуруллаевлар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Ш. Худойберганов ва Б. Нуруллаевларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари барча шахсий таркиб ўртасида муҳокама қилиниб, қораланди. Бундан кейин юқоридагидек қонунбузилишларнинг олдини олиш, сафларимизни нопок ходимлардан ўз ташаббусимиз билан тозалаш бўйича тадбирлар белгилаб борилади.

Хоразм вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аминбой БОБОЖОНОВ.

Вана суйганна эл суяди

Хотира — муқаддас қадрият

Ўтган-кетганларни, авлод-аждодларни хотирлаб, ҳаққига дуо қилиб туриш ўзбекка хос одат. Дастурхонга фотиҳа ўқилаётганда кексалар аввал азиз авлиёларнинг, авлодида ўтган кишиларнинг пок руҳларига савоб тилаб дуо қилганларига кўп гувоҳ бўлганмиз. Хотирлаш ўзбекнинг кўнгил мулкига айланган. Шу қадар теран фикр, юксак маънавият эгаси бўлган халқни эзозлаш, қадрига етиш, ўзини шу Ватаннинг, шу элнинг фарзандиман деган ҳар бир инсон учун фарз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни, деб юритиладиган бўлди. Эндиликда хотирага бир ёқлама ёндашиш, сохта мафкурага асосланган ғоя кетидан эргашиш барҳам топди. Тўғри, XX асрнинг қирғин-барот урушлари натижасида халок бўлган, соғлиғидан ажралган ватандошларимиз элу юрт ҳурматида, эъзозланиши керак. Чунки, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши бутун ер юзи халқларига битмас-туганмас қабоҳат, разолат, фожиа олиб келди. Юртдошларимиз бу урушларда қон кечишди, жон олиб жон беришди. Ҳар бир ватандошимиз ўз уйини, ота-онасини, фарзандларини ўйлагани рост. Уларнинг тинч-тотув яшашлари учун

жанг қилгани рост. Осмонимизнинг мусаффолиги учун жон бергани рост. Лекин хотира тарихи фақат шу билан тугаши ҳам керак эмас-да.

Ахир ўзбек кеча пайдо бўлгани йўқ. Унинг тарихи минглаб йилларга бориб тақалса ажаб эмас. Хотира ва қадрлаш деганда, шу Ватан, шу халқнинг озодлиги, фаровонлиги учун курашган Широқу Тўмарислар, Алп Эр Тўнгаю Темурлар, Абдулла Қодирийу Чўлпонлар ҳам тушунилиши табиий.

Нуроний отахонлар дуоси нечоғли теран, нечоғли тарих қатига сингиб боришини эсдан чиқармаслик лозим.

Хотира ва Қадрлаш кунини жорий этилиши халқни кўнглидаги гап бўлди. Элни суйган фарзанд эл қалбига йўл топади. Ора йўлда учраётган ҳар хил узуқ-юлуқ, қуруқ гапларни тараққиёт, ҳаёт оқими ўз измида хасдек чирпирак қилиб кетаверади. Сув юзидаги кўпикка эътибор қилганмисиз, сув — моҳият, кўпик эса чиқинди. Инсоният кўпикдан баҳра топмайди. Сувдан тану жон роҳат топади. Худди шундай, қуруқ сафсаталар ҳам қаймоғидан ажраб, кўпикка ўхшаб чиқиндига айланаверади.

Хотира ва қадрлаш миллатнинг борлигини, улуғлигини ҳамиша ёдда сақлашдир. Бунинг учун у ўз келиб чиқиш тарихини, турмуш тарзини, азалий анъаналарини қалбан ҳис эта билиши, англаб етиши керак. Яратганга беадад шукрларки, биз миллат сифатида ана шу маънавий неъматлардан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик сабаб, ана шундай бахтга муяссар бўлдик. Хотира ва қадрлаш эса ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ. Бу — озодлигимиз тантанаси. Тоғларнинг қудрати асрлар силсиласини, поклигу нопоклигини ўз бағрида сингдириб, заминга миннат қилмагани каби ушбу қудрат ўзбек миллатида мужассам.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Хотира ва Қадрлаш майдони тикланяпти. Фарзандини Ватан хизматига кузатаётган онанинг масъум чеҳраси, атрофида ўн икки вилоят, яъни Ватаннинг жондек азиз сарҳадлари саф тортади. Гўё, биз сенинг фарзандларингмиз, Ватан учун буюр, хизматингга шаймиз, онажон, деяётгандек. Сен англаб етяпсанми, фарзанд? Ватан битта, уни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Кўзинг қорачиғи сенга қанчалик азиз бўлса, Ватан ҳам шунчалик азиз. Ватан сўзи вужудга титроқ солувчи сўз. Ватан истиқболи учун буюк ўзгариш қилувчилар ўз жонини эл-юрт учун тикканлардир. Ватанни севмак ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахт, лекин ўзбекнинг қонида бор Ватанни севмак.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Захри 70 фоизга камайган

Хитойдаги «Цинци» ишлаб чиқариш бирлашмаси янги мотоцикл ишлаб чиқарди. Унинг экологик жиҳатдан анча зарарсизлиги мутахассислар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Ундаги ҳавога чиқаётган заҳарли газ аввалги русумлардагига нисбатан 70 фоиз камайтирилган.

Мазкур бирлашманинг жами капитали 14 миллиард юанни ташкил этган бўлиб, унинг таркибида 3 та ҳиссадорлик компанияси ва 80 тадан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган мотоцикларнинг тури 200 тага етади. Шунингдек, бирлашма заводларида 20 хил кичик юк машинаси ва қишлоқ хўжалик соҳасида ишлатишга мўлжалланган автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда.

Бир ойлик тадбир

Кения билан АҚШ ҳамкорликда ҳарбий машқлар бошлади. Тадбир бир ой давом этади.

Кения мудофаа вазирлигининг баёнотида таъкидланишича, машғулотни ўтказишдан мақсад фавқулодда вазиятларда Кениянинг қуруқликдаги қўшинлари имкониятларини оширишдан иборатдир.

1996 йилдан буён Кения билан АҚШ ҳар йили ҳамкорликда ҳарбий машғулот ўтказиб келади.

Ўзбекистон — икки қитъааро кўприк

Мамлакатимиз ўзининг автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари, коммуникация тармоғининг салоҳияти билан ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб жой олди. Лекин мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашиши денгиз йўли орқали дунё мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишда анча қийинчиликларни туғдириб келмоқда. Президентимизнинг ташаббуслари билан ҳукуматлараро битим ва дастурларнинг имзоланиши юртимизнинг денгизга чиқиши йўлидаги саъй-ҳаракатларига ҳуқуқий ва амалий кафолат бўляпти. Хусусан, Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон, Грузия ўртасидаги ТРАСЕКА дастури, Серахс шартномаси ва Хитой, Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида уч томонлама битимнинг имзоланиши фикримизнинг далилидир.

Жаҳон интеграциясининг ривожланиши мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Хитой, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Эрон, Озарбойжон, Грузия мамлакатлари денгиз портлари ва транспорт вазирликлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган халқаро ишчи анжуманида юртимиз ҳудудидан ўтадиган Ляньюньган-Роттердам йўналиши бўйича юк ташиш транспорти қатнови ва Ляньюньган, Бандар Аббос, Туркманбоши, Боку, Поти, Ботуми денгиз портларининг ўзаро ҳамкорликларини ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманнинг Тошкентда ўтказилаётганлиги бир томондан Ўзбекистоннинг транспорт тармоғи, автомобиль йўллари нуфузининг катталигига юқори баҳо бўлса, иккинчи томондан юртимиздаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий—ижтимоий тараққиётимизнинг ривожига бўлган ишончнинг амалий намунасидир.

— Биз янги Осиё—Европа денгиз портларини бирлаштиришга бағишланган анжуманда иштирок этаётганлигимиздан мамнунмиз, — дейди Ляньюньган шаҳар халқ ҳукумати раисининг ўринбосари Чижоу Баофо. — Эрамиздан аввал ҳам хитойлик савдогарлар турли хил моллари билан Ўрта Осиёда савдо-сотиқ ишларини бажариб келишган. Буюк Ипак йўлидан самарали фойдаланишган. Ушбу йўл минг йиллар мобайнида Осиёни Ўрта Осиё орқали Европа билан боғлаган, Хитой билан Ўрта Осиё ўртасида иқтисодий-маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Ҳозирги кунда ҳам у ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ишончимиз комилки, Андижон — Ўш — Эркештом—Қашқар автомобиль йўлини тезда ишга тушиши унга янгича ҳаёт бағишлайди. Ляньюньган—Роттердам янги йўли эса бу лойиҳанинг узвий давоми сифатида Хитой билан Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутиши шубҳасиздир.

Роттердамдан — Ляньюньгангача

Ляньюньгандан Роттердамгача бўлган масофа қарийб 11 минг километрни ташкил қилади. Бу оз масофа эмас. Лекин шу икки портни боғловчи бошқа йўллардан юрилса, унинг узунлиги яна 1200 чақиримга ортар экан. Демакки, юртимиздан ўтадиган бу йўналишдан нафақат биз, балки бошқа мамлакатлар ҳам манфаатдор бўлади.

Шу жиҳатдан, мазкур йўналиш Ўрта Осиёни Европа билан боғлашда ўзининг қисқалиги билан ажралиб туради.

Ляньюньган порти Ўрта Осиё мамлакатларини қисқа йўл билан Тинч океанига олиб чиқувчи бандаргоҳ ҳисобланади. Айни пайтда у 150 дан ортиқ давлат ва 1000 га яқин портлар билан савдо-сотиқ ҳамда транспорт риштасига эга. Портда бир йилда 25 миллион тонна юкни ўтказиш имконияти мавжуд. Ундан Шанхайгача бўлган масофа 459 километрни ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда Қашқардан Эркештомга қадар бўлган 250 километрлик йўл қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Эркештом билан Ўшни боғловчи 260 километрлик автомобиль ва темирйўлларни барпо этиш лойиҳаси ўзбекистонлик ва қирғизистонлик мутахассислар томонидан ишлаб чиқиляпти. Тез орада бу ерда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилади.

Ўшдан Туркманбоши портигача бўлган масофада автомобиль ва темир йўллар орқали юк ташиш учун барча имкониятлар мавжуд. Туркманистондан паром билан Бокуга, ундан эса қуруқликдаги мавжуд йўллар орқали Поти портигача борилади.

Илгарилари Тошкентдан Потига етиб олиш учун 40 кундан ортиқ вақт сарфланган бўлса, Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон ва Грузия давлат раҳбарлари томонидан ўзаро транспорт шартномаси имзоланганидан кейин бу масофани атиги бир ҳафтада босиб ўтиш имконияти туғилди.

Мазкур портдан Дунай дарёси орқали Майнрейнга ва ундан Роттердамга чиқиш мумкин. Хуллас, ҳозирнинг ўзида Роттердамдан юкланган юкни Ляньюньганга етказиш имконияти бор.

Серқуёш Тошкентдаги учрашувда мазкур йўлакка Хитой Халқ Республикаси ҳам қўшилди. Бу жуда катта ютуқ. Чунки айни кезда биз қатновларни амалга ошираётган йўналишимизга Украина, Молдова, Руминия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг ҳам қўшилиш истаги бор.

Аминмизки, Ляньюньган—Роттердам йўналиши халқларни яқинлаштиришга, иқтисодий ҳамкорлигимиз тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Анжуманда иштирок этган Хитой, Қирғизистон, Туркманистон, Эрон, Озарбойжон, Грузия мамлакатлари делегациялари раҳбарлари, бизнинг мамлакатимиз номидан эса Республика Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзавтойўл» давлат ҳиссадорлик уюшмаси раиси Рустам Юнусов анжуман протоколига имзо чекдилар. Унда ушбу Осиё—Европа кўпригини барпо этиш билан боғлиқ биринчи галдаги вазифалар белгиланиб, бу борадаги ҳукуматлараро аҳдлашувларни тезлаштириш, Ляньюньган—Роттердам йўналиши бўйича қатновни янада жадаллаштириш учун мамлакатлар транспорт вазирликлари, идоралари ўртасида навбатдаги анжуманни шу йилнинг биринчи ярмида ўтказиш, юклар ҳаракатини мувофиқлаштиришга кўмак берувчи гуруҳ тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Делегация раҳбарларининг фикрича, ўзаро алоқалар янада жадаллашиб ва кенг кўлам касб этиб бораверади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи



Товон пули тўланди

АҚШ ҳукумати Кенияга товон пули сифатида 37 миллион доллар ажратди. Маблағ ўтган йили АҚШнинг Кениядаги элчихонаси террорчилар томонидан портлатилиши натижасида зарар кўрган аҳоли вакилларига ва биноларнинг тикланишига сарфланади.

Маълумки, ўтган йили август ойида АҚШнинг Найробидаги элчихонаси террорчилар томонидан портлатилган эди. Оқибатда ушбу кўпорувчиликдан 200 киши ҳалок бўлди, 5 мингдан зиёд киши жароҳатланди. Элчихона атрофидаги бир неча бинога катта шикаст етган.

Аҳ, алдамчилар

Россиянинг Владивосток шаҳридаги темир йўл ва денгиз транспорти вокзалидан беш юзга яқин йўловчи хавфсиз жойга кўчирилди. Номаълум кишининг телефон орқали ушбу вокзалларга мина жойлаштирилгани ҳақидаги хабари вокзал маъмуриятини шундай иш тутишга мажбур қилди, дейилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарида.

Барча автобус вокзаллари маъмурияти ҳам бундан бохабар қилиниб, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрсатма берилди. Ҳозирча, темир йўл вокзалидан портловчи мослама топилганича йўқ, лекин қутқарув хизмати текширув ишларини ўтказмоқда.

(ЎзА)



О, чўққилар...

Кул остидаги чўғ

Кино юлдузлар қандай «юлдуз» бўлишган? Чунки нарвонгаям пиллапоя-ма-пиллапоя чиқиладида. Айтайлик, истеъдод ярқ этиб кўрингунча улар ҳам ўзларини ўққа-чўққа урган бўлишлари мумкин. Шунданам уларнинг олдинги касб-ҳунарлари бизни бироз ажабланти-ришиям эҳтимолдан холи эмас.

Мана, кино оламининг эркатойи — Шэрон Стоундай соҳибжамол аёл олдин савдо ходими — сосиска сотарди. Жулия Робертсни ҳозирги мухлислари ширин кулгичлари учун кўпроқ севишар, янги орбазларини орзиқиб кутишади. Жулия бундай машҳурликни музқаймоқ сотиб юрганида балки етти ухлаб тушидаям кўрмагандир.

Эҳ-е, кино юлдузи Силвестр Сталлонега нене дилбарлар ошиқу беқарор бўлганлиги ҳақида ҳалигача мишмишлар тинмайди. Сталлоне бир вақтлар яхшигина сартарош эди.

Кёрк Дугласни, муболаға бўлмасин-у, «даҳшат»ни кўрувчилар ҳам, ишқий саргузашт ихлосмандлариям, хуллас Голливуднинг бу машҳур актёрини ҳамма бениҳоя яхши кўради билсангиз агар. Юлдузлар юлдузи аввал қоровул эди.

Ҳозир юлдузлар кўп. Гўё қўл узатса етмагудай, биздан анча йироқда. Юлдуз-да! Лекин кечагина улар оддий одамлар қатори кун кўриш учун нима юмуш тўғри келса қилаверганлигини ўйласак, улар яна бир қадар қалбимизга яқинлашгандай туюлади. Истеъдод кул тагидаги чўғдай. Аланга — изланишда.



... мағрур чўққилар

Ўтда ёнмас одам

Дорда юрувчиларни биламиз. Олов «устида» юрувчиларни кўрганмисиз? Тўғри-да нари борса олов устидан сакраш мумкин. Аммо Челябинскда шунақа одам бор экан. Шаҳардаги хонадонлардан бирида қаттиқ ёнғин чиқди. Ўт ўчирувчилар эшикни бузиб ичкарига киришга мажбур бўлишди. Олов домига тортган уйдаги ҳарорат 300 даражадан ошиб кетганди. Уч нафар ўт ўчирувчилар тўсатдан энг ичкариги хонадан мастга ўхшаб гандираклаб чиқиб келаётган одамни кўриб аввалига ҳайрон бўлишди. Чунки у «ёниб» келарди, эгнибошини аланга қоплаганди. Ҳайратланарлиси ёнаётган одам жон аччиғида бақирмас, гўё дўзах иссиғини писанд қилмагандай, гўё бамайлихотирдай эди. Ўт ўчирувчилар уни ташқарига олиб чиқишга шошилишди. У бўлса йигитларга: «Юрагим куйиб кетаяпти, қақраб кетаяпман, сув, сув беринглар, сув ичишга чиқдим» деди. Табиийки, ёрдамга келганлар ҳеч нарсани англамай бақрайиб қолишди. Кейин у қўл силтади-да, яна ўзини лов-лов ёнаётган хоналардан бирига — ошхонага урди. Қутқарувчилар аранг уни ушлаб қолди. «Э, нимага ваҳима қиласизлар-а? Ахир мен оловнинг «устидан» юриб ўтаман» деди оёқларидаги куйиб битаёзган пойабзалига ишора қилиб.

Маълум бўлишича, «куймас одам» қўлидаги сигаретаси билан маст ҳолда донг қотиб ухлаб қолган экан. Ҳатто кучли ёнғин ҳам унинг кайфини тарқатолмабди. Қизиғи, у шифохонадагиларгаям авваллари ҳам «олов устидан» юрганман дея ишонтиришга уринарди. Буни эшитган тиббиётчилар уни — «оқ олов»ни даволовчи махсус шифохонага жўнатишга мажбур бўлишди.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 19

1 TV

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Хоразм» (Урганч)-»Нефтчи» (Фарғона)
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Шеър ва шуур».
18.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон табиати». Премьера.
18.40 «Тафсилот».
19.00 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
19.25,19.55, 20.25, 21.00, 22.20, 23.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм.
22.50 «Даврани кенгроқ олинг». Концерт.
22.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 39-қисм.
23.20 «Ахборот».
23.50 «Маънавият» дастури.
00.30 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ким эпчилу, ким чаққон»)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Сурур» Мусиқий дастур.
19.50, 20.20, 23.25 - Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон» Халқаро шарҳ.
20.45 «Ёшлар куйлаганда».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Кулгига нима етсин».
21.55 «О, ёшлигим_».
22.15 «Олам футболи».
22.35 «Шарқ эстрадаси».
22.50 «Спорт-қитъаси».
23.20 «Ёшлар» телеканалида.
23.30 Синема «Қасос».
01.05 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30 «Телефакт» (Рус тилида)
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.20 «Қалб тароналари».
20.30 «Ахборот».
21.05 Фарғона вилояти «Райҳон» ансамбли ижро этади.
21.20 Манзарали фильм.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Талабларга биноан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Офисина бари фирибгарлари». Телесериал.
23.35 «Телефакт».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Саргузашт фильмлар экрани.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

15.05 Кўрсатувлар дастури
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Вақт хазинасидан».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Акаука Гримм эртаклари. «Шаҳзода ва курбақа». 1-қисм.
18.00 «Уорлднет « янгиликлари»
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
18.55 А.Кончаловскийнинг «Одиссея» фильми. 1-серия.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.35 «Филипп Марлоу». Детектив сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Қитъалар аро кўприк».
21.45 «Замонавий дизайн».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: Денис Хоппер «Боши берк кўча». Фильмида.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА 20

1 TV

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 39-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.25 Кундузги сеанс: «Дон Кихот фарзандлари». Бадиий фильм.
11.40 «Санъат олами».
12.05 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар ансамблининг концерти.
12.55 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.20 «Маънавият « дастури.
14.10-14.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа. ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.35 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Барака».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.50 Миллий кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
22.25 ЎзТВ экранида биринчи марта «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-серия.
23.55 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

